


6-25-2021

## AUTHOR AND HERO'S PARALLELISM IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE

Makhliyo Umarova

*Uzbekistan State World Languages University, Tashkent, Uzbekistan, u.mahliyo@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Umarova, Makhliyo (2021) "AUTHOR AND HERO'S PARALLELISM IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE," *Philology Matters*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 9.

DOI: 10.36078/987654491

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2021/iss2/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



Received: June 5, 2021  
Accepted: June 23, 2021  
Available online: June 25, 2021

## Махлиё Умарова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети доценти,  
филология фанлари номзоди  
Тошкент, Ўзбекистон

## Makhliyo Umarova

Candidate of Philological Sciences  
Associate Professor, Uzbekistan State World  
Languages University  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: u.mahliyo@mail.ru

### ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МУАЛЛИФ ВА ҚАҲРАМОН ПАРАЛЛЕЛИЗМИ

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада ижодкор шахси, унинг ўз адабий қаҳрамони билан параллелизми Ғарб ва Шарқ адабиётлари мисолида ўрганилган. Адабиётшуносликда ижодкор шахси тушунчаси адабий категория ҳисобланади ва уни ўрганишда биографик ва психологик омиллар етакчилик қилади. Шунга қарамай, муаллиф “мен”дан фарқ қилган ҳолда ҳаёт ҳодисаларини идрок этишда, уни юксак шеърӣй ва насрий шаклларда ифода этишда ва айниқса, образлар танлаш ва уларнинг ифодасида бадий юксаклик ҳосил қилинишининг омилларидан саналади. Ижодкор шахс бадий образ орқали акс этирилади ва персонажлар характерида ҳам ижодкор шахс услубига тегишли хусусиятлар барқарордир. Бу жиҳатдан ижодкор шахс борлигини юзага чиқарувчи бадий образ экани таъкидлангани ҳолда, образларнинг турли ҳолларида, портрет ва характерларда, персонаж қатнашган воқеалар силсиласида ҳам ижодкор шахс иштироки борлигини аниқлаш мумкин.

Инглиз тилида ижодкор шахси тушунчаси “creative person” деб таржима қилиниб, кўпроқ ижод қилувчи, маҳоратли шахс деган маънони англатади. Бу сўз бирикмаси кўпроқ психологик термин сифатида қўлланилиб, адабиётшуносликда бу бирикма ёзувчи сифатида тушунилмайд. Ёзувчи тушунчаси “writer” ёки “author”, яъни муаллиф деб юритилади. Ижодкор шахси муаллиф ва ёзувчидан истилоҳий

### AUTHOR AND HERO'S PARALLELISM IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE

#### ANNOTATION

The article examines the creative personality and his parallel construction with the literary hero and the use in Western and Eastern literature. The concept of a creative personality is a literary category, where there are leading the biographical and psychological factors. Nevertheless, the author is one of the factors in the perception of life events, their expression in high poetic and prosaic forms unlike “I”, especially in the choice of images and the formation of artistic heights in their expression. The creative personality is reflected through the artistic image (a character, a hero) and the characteristics of the creative style of the personality are stable. In this regard, emphasizing that a creative person is an artistic image, it is possible to determine the presence of a creative person in different cases of images, portraits and characters, as well as in a series of events in which the character participates.

In English, the concept of a creative person translates as “creative person” and means a more creative, skilled person. This phrase is used more as a psychological term and in literature it is not understood as a writer. The concept of a writer is called “writer” or “author”. A creative person is a representative of a talent capable of creating high artistic patterns, unlike the author and writer in terms of terminology. The terms “writer” and “author” can be applied to any author of a work, but a creative person differs from ordinary authors and writers in terms of worldview, sense

жихатдан фарқли равишда юксак бадиият намуналари яратишга қодир истеъдод вакилидир. Ҳар қандай асар муаллифига ҳам “ёзувчи”, “автор” истилоҳларини қўллаш мумкин, бироқ ижодкор шахс дунёқараш жиҳатидан, поэтик тамойилларни ҳис қилиш ва ифода қудрати жиҳатидан оддий муаллиф ва ёзувчилардан фарқ қилади. Ёзувчининг “шахсийлиги”, унинг ифодаси нафақат ҳаётнинг ўзига хос кўриниши, унинг эстетик ривожланиши, балки унга нисбатан муайян муносабатдир. Булар шунингдек, адабий асарларнинг таркибий қисмини ташкил этадиган ғоялар, бадиий тушунчалардир.

Ушбу мақола ижодий “мен” ва биографик “мен” каби тушунчаларнинг қўлланилишини ҳам назарда тутди. Унда инглиз ижодкорларидан Жорж Байрон, Валтер Скотт ва ўзбек жаҳид адабиётининг забардаст вакиллари Чўлпон ва Абдулла Қодирий асарларида ижодкор шахси ва қаҳрамон муаммосининг намоён бўлиши ўрганилган.

**Калит сўзлар:** ижодкор шахс, образ, қаҳрамон, персонаж, макон ва замон, ижодий “мен”.

## КИРИШ

Катта асарлардаги такрорланмас қаҳрамонларнинг қайсидир жиҳатида муаллиф характериға хос фазилятлар муҳрланган. Чунки ёзувчи ўз ҳаётини тажрибалари ва дунёқарашини заминидан асар яратади. Бир сўз билан айтганда, чинакам истеъдодлар янги асар, фақат ўзларига хос бўлган янги услубни дунёга келтирадилар. Шу ўринда профессор А. Расуловнинг куйидаги фикрларини ҳам келтириб ўтиш жоиз: “Фарзанд, табиийки, ота-онага ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадиий асар санъаткор фарзанди экан, унда ёзувчининг руҳий ҳолати, қарашлари, кайфияти акс этмаслиги мумкин эмас” [Расулов А., 1998; 28]. Ҳар қандай бадиий асарда қаҳрамон тақдирининг ёзувчи-муаллиф тақдири билан боғлиқ ўринлари топилади. Бунга асосий сабаб – ёзувчининг ўзлигидан чиқиб кетиши мумкин эмаслигидандир. Ёзувчининг ижодкорлик йўли – дунёнинг эстетик ривожланиши умумий қонунларини бузмайдиган, ҳамма учун намуна бўладиган бадиий идрокнинг табиий ва зарурий йўлидир.

Бадиий асар мавзуси қандай бўлишидан қатъи назар, ўзида бугун ва эртани акс эттиради. Адабиётнинг муҳим функционал вазифаларидан бири тарих ва келажак орасидаги боғловчи ҳалқа эканлигидир. Ижодкор асарида макон ва замон нуқтаи назаридан кеча, бугун ва эрта каби вақт бирликларини бир нуқтага бирлаштиришга ҳаракат қилади. Бу ижодий жараён билвосита ва бевосита амалга оширади [Тўлаганова С., 2021;14]. Бадиий асардан ёзувчиға хос бўлган

of poetic principles and power of expression. The “personality” of the writer, his expression is not only a peculiar view of life, its aesthetic development, but also a certain attitude towards it. These are also ideas, artistic concepts that form an integral part of literary works.

This article also discusses the use of concepts such as creative “I” and biographical “I”. It reflects the problem of the creative personality and the hero in the works of English authors George Byron, Walter Scott and the most prominent representatives of Uzbek jadid literature Cholpon, Kadyri and Fitrat.

**Key words:** creative person, image, hero, character, space and time, creative “I”.

фазилатларни, у яшаган ижтимоий ва оилавий муҳитни англаб олиш қийин эмас. Ҳар қандай асар ижодкор шахсининг ўз кўрган-кечирганлари, дунёқараши ва эътиқодига уйғун юзага келади. Муаллиф фазилатлари ва унинг айтмоқчи бўлган юрагидаги гаплари асар қаҳрамонларида, албатта, зухурланиши табиийдир. Ижодкор шахсига хос хусусиятни ўзида мужассамлаштирган услуб ижтимоий давр ўзгаришлари ва адабий жараёндаги янгиланишлар билан бевосита боғланади. Чунки, ҳар бир ижодкор муайян даврда яшайди. Шу муҳитга хос барча жиҳатлар шоир, адибнинг дунёқарашига ўз таъсирни ўтказиши мумкин. Навоий асарларининг Муқимий, Фитрат шеърларидан кескин фарқ қилиши, мумтоз адабиёт билан замонавий сўз санъати ўртасида жиддий тафовут борлиги шундан далолат беради. Бадиий баркамол асарларда муаллифнинг воқеликка муносабати, ундаги муаммоларга ёндашиши ва фикрини ифодалаш тарзи аниқ билиниб туради [Улуғов А., 2018; 294]. Шундай экан, биро-бир бадиий асардаги ижобий қаҳрамон кун келиб намуна жиҳатидаги қаҳрамон бўлмай қолиши, унинг фазилатлари инсонларга сезиларли даражада ўрнатилмаслиги табиийдир. Шундай бадиий асарлар борки, улар ўз даврининг энг долзарб муаммоларини ўзида акс эттиради, бироқ вақт ўтиши билан унинг умри тугайди. Бунга мисол қилиб Сервантеснинг “Дон Кихот” асарини келтириш мумкин. Бу асар чет тилларига энг кўп таржима қилинган асарлардан, унинг қаҳрамони хаёлпараст Дон Кихотнинг гаплари эса неча асрлар давомида китобхонлар томонидан эътироф этиб келинди.

Бадиий асар ва унга сингдирилган ғоялар замонлар ошиб барчага асқотса, ўрнатилган бўлса, ана ўша асар ва унинг қаҳрамони ҳақиқий қаҳрамондир. Бу борада адабиётшунос Баҳодир Каримнинг ушбу фикрлари ўринли: “Яхши китоб яхши одамга ўхшайди. Биласиз, яхши одамнинг эзгу амаллари хотирага муҳрланади. Яхши одамнинг номи умуман инсониятга, Ғарб ва Шарққа бирдек дахлдор бўлади. Яхши одамнинг кашфиётлари, эзгу амаллари дунё кезади. Тарих саҳифаларидан ўрин олади. Мўътабар китоблар маънавият тарихини безайди. Тинимсиз ўқилади; дунё тилларига таржималар қилинади. Инсонлар қалбига эзгулик уруғини экади. Эзгулик уруғи тоза қалб майдонида униб ўсиб гуллайди ва мева беради. Қарашлар кенгайди, поклик, тўғрилиқ, маънавий юксалиш йўллари очилади” [<http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/tanqidchilik/1278-maqola.html>]. Дарҳақиқат, асарлар давомида китобхонлар қўлидан тушмай ўқиб келинаётган асарлар ҳам талайгана. Чунки улардаги воқеалар, образлар ва сюжет барчаси давр, миллат ҳаёти учун муҳим. Улардаги қаҳрамонлар ҳам қайсидир маънода ўрнатилган даражада. Ёзувчи ўзи мансуб бўлган халқнинг миллий мавқеида мустаҳкам турса, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўз халқининг илғор фарзанди нуқтаи назаридан қараса ва келажакка назар сола билса, унинг асарида ифодаланган миллий туйғулар умумбашарийлик тусини олади. Адабиётнинг бундай хислатларини эса китобхон, биринчи галда, қаҳрамон сиймосида, унинг фаолиятида, хатти-ҳаракатларида, қилиқ-одатларида, ахлоқ ва одобида кўради [Бобоев Т., 2002; 87]. Бизнинг миллийлигимизни мадҳ этган барча асарларимиз, шу жумладан, Абдулла Қодирнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари бунга яққол мисол бўла олади.

Бадиий асар талант маҳсулидир, у истеъдодли киши қўлида яралади. Рассом, меъмор моддий нарсалардан, ўз ташаббуси билан, янги бадиий нарсани яратса, ёзувчи табиий, моддий бўлмаган нарсалардан моддий бўлган янги ба-

дий нарсани ижод этади. Унинг бадий дунё ижодкори эканлиги маълум. Унинг ўзи каби, асари ҳам такрорланмасдир, абадийдир [Тўйчиев У., 2011;13]. Ана ўша адабий асарни ёзишда ёзувчи тинмай изланади, қаҳрамонларини шакллантиришда бир неча инсонлардаги айрим жиҳатларни умумийлаштириб, индивидуал бир қаҳрамон яратишга муваффақ бўлади. Бу фикрларни тўлдирган ҳолда Умнат Тўйчиев шундай ёзади: “Асалари минглаб гулларга қўниб, унинг энг асл шарбатларини эмиб, бир ерга йиғиб бол тўплаганидек, ёзувчи ҳам муайян образ (дўкандор)ни яратиш учун, кўплаб дўкандорларнинг қиёфасини белгиловчи характерли хусусиятларини, одатларини, сўзлаш одобларини, маънавиятини ва ҳақозоларини ўрганади ва уларнинг энг сараларини умумлаштириб, бир образда жамлайди” [Умуров Х., 2011; 48]. Шунинг учун бадий асар яратишда умумлаштириш унумли назарий восита ҳисобланади ва бу усул асарни мазмунли чиқишида катта натижа бериши табиийдир. Шундай экан, ижодкор инсон ўз навбатида ижодий “мен” ва биографик “мен” каби тушунчаларни ўзида умумлаштиради. Ижодкор “мен”идаги ўзига хослик, бетакрорлик, эстетик идеал ва поэтик мезонлар асосида қаралганда, биографик “мен” ўз-ўзидан кейинги ўринга ўтади. Биографик “мен” ижодий “мен”ни чуқурроқ англашда бошловчи вазифасини бажаради.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Миллий ўзига хослик макон ва замон билангина изоҳланмайди, қаҳрамон характери тасвири бу масала марказида туради, чунки ҳаёт ва ундаги ғоялар инсон образи орқали кўрсатилади [Тўйчиев У., 2011; 451]. Жаҳон адабиётидаги асарларда автобиографик унсурлар ўз ифодасини топган ижодкор шахслар жуда ҳам кўп. Биз ўрганмоқчи бўлган адиблардан бири – инглиз шоири, романтизм адабиётининг йирик вакили Жорж Байрондир. Жаҳон адабиётшунослигида Байрон ижодини ўрганиб, асарларини турлича изоҳлаган байроншунос олимлар кўп. Улар бу ижодкорнинг ҳар бир асарини турли ракурсда ўрганиб келмоқдалар. Хорижий адабиётшуносликда тадқиқотчиларни, асосан, Байроннинг драматик мероси кўпроқ қизиқтирган, шоир асарларининг фалсафий жиҳатига кўпроқ эътибор қаратилди (Мас., Ж.Эҳрштейннинг “Байроннинг метафизикаси”, 1976). Бу борада байроншунос олимлар В.Дикнинг “Байрон ва унинг шеърляти” (1918), Ж.Николнинг “Байрон” (1936) каби асарларини алоҳида таъкидлаш мумкин [Романчук Л., 2020].

Шоирнинг ҳар бир шеърида ўз ҳаётида содир бўлган воқеалар тизимини кўрамиз. Булар ичида асосийси – муҳаббат мавзусидаги шеърлардир. Байрон ижодида севги мадҳ этилган шеърлар унинг ҳаёти давомида учратган аёлларига бағишланади. Ўн беш ёшли Байрон 1803 йили ўқишдан таътилга чиққан пайтида Мери Чеворт исмли қиз билан учрашганида келажакда бу қизга бўлган муҳаббати чуқур илдиз отишини олдиндан билмаган эди. Ўлимидан бир неча ой илгари Байрон мактубларидан бирида шундай ёзади: “...ёшлигимда Жаноб Чевортнинг неvara жиянига ошиқ бўлиб қолдим... ва иккимиз ўртамиздаги никоҳ туфайли икки оиладаги қачонлардир содир бўлган низо барҳам топади, деб умид қилардим (шоирнинг бобосини бир пайтлари Чевортлардан бири дуэлда ўлдирган эди). У мендан икки ёш катта қиз эди, биз болаликда кўп вақтимизни бирга ўтказардик. Кейинчалик у бадавлат ва обрўли оиланинг фарзанди билан турмуш қурди,

лекин уларнинг никоҳи меники каби муваффақиятсиз бўлди” [Байрон, 1963; 11-12]. Байрон Мери Чевортга қатор шеърларини бағишлади, айниқса, унинг 1816 йили ёзилган “Туш” поэмасида шоирнинг бу қизга муҳаббати ва кўнгил изтироблари жонли тарзда мадҳ этилган:

*Our life is twofold: Sleep hath its own world,  
A boundary between the things misnamed  
Death and existence: Sleep hath its own world,  
And a wide realm of wild reality* [Bayron G., 1967; 91].

Ушбу мисралар Муҳаммад Али томонидан ўзбек тилига таржима қилинган:

*Икки юзлик бу ҳаёт: бор Туш минтақаси,  
Ҳаёт-ўлим ораси деб атарлар уни,  
Рост эмас бу: Тушларнинг ҳам дунёси бор кенг,  
Поёни йўқ, ажаб қизиқ, аломат дунё* [Байрон, 1974; 41].

Мери Чеворт Байрондан икки ёш катталиги учун унга ўз укасидек муносабатда бўлгани лирик қаҳрамоннинг ўй-кечминларида қуйидагича акс этади:

*Her sighs were not for him; to her he was  
Even as a brother—but no more; ’twas much,  
For brotherless she was, save in the name  
Her infant friendship had bestowed on him* [Bayron G., 1967; 93]

*Қиз дилига ўт ташлаган мутлақо бошқа,  
Бу ўғлон-чи, қизга холос укайди, ука.  
Укаси йўқ эди қизнинг, шу важдан ўғлон  
Болаликдан бир уқдай бўлиб қолганди* [Байрон, 1974; 43].

Байроншунос олим Н.Александровнинг ёзишича, Байроннинг Меридан кўнгли қолишига унинг ўз хизматкорига: “Наҳотки, мени ўша оқсоқ билан ўртамизда нимадир бор деб ўйласанг?” деган гаплари сабаб бўлган. Шоирнинг беихтиёр Меридан эшитган шифоқатсиз сўзлари уни ларзага солди. У дарҳол ташқарига ўзини отди ва боши оққан тарафга қараб кетди [Александров Н.Н., 2014; 25]. Лекин шоирнинг Мерига бўлган муҳаббати чин бўлганлиги туфайли уни ўз шеърларида мадҳ этди. Александровнинг ёзишича: “Бу воқеадан бир йил ўтиб, ёз фаслида Байрон Мери билан Эппизли тепалигида яна учрашади. Шоирнинг кўнгли беҳаловат бўлса ҳам ўзини хотиржам кўрсатишга уринди ва кейинги сафар учрашганларида Мери турмуш қурган бўлиши мумкинлигини таъкидлаганда, қиз буни маъқуллайди. Мана шу воқеалар шоир ижодидаги айрим шеърларда ўз аксини топган. Шулардан бири унинг “Туш” шеърини. Шеърнинг лирик қаҳрамон кечинмаларида ижодкорнинг биографик “мен”и яққол намоён бўлади:

*A change came o’er the spirit of my dream.  
The Lady of his love was wed with One  
Who did not love her better: — in her home,  
A thousand leagues from his, — her native home* [Bayron G., 1967; 94].

*Туш ўзгариб кетди шу он қутилмаганда  
Севимли қиз бўлган эди ўзгага насиб*



*Аммо эри сева олмас у севган мисол.*

*Ундан олис яшар энди қиз, ўз уйида* [Байрон, 1974; 46].

Юқорида келтирилган мисралардан англаш мумкинки, “Туш” шеърига биографик контекст асосида ёндашилган. Ундаги лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, тушида кўрган воқеалар Байроннинг ўз ҳаётида содир бўлган воқеалар билан мос тушади. Реал воқеалар бадиий тасвирда ўз ифодасини топади.

Ўзбек адабиётида ҳам ижодий “мен” ўз аксини топган шеърлари билан машҳур шоир, жадид адабиётининг ёрқин вакии Абдулҳамид Чўлпондир. Шоир бадиий тафаккурининг шаклланишида оила, адабий муҳит ва ижтмий-сиёсий омиллар ҳам бир-бирига узвий боғлиқдир. Чўлпоннинг шеърларида севимли мавзуларидан бири озодлик мавзуси бўлса, улар ичида хотин-қизлар озодлиги ҳам мужассам. У бу масалани истиқлол учун курашнинг таркибий қисми деб билади. Шоир наздида истибоднинг энг оғир юки улар зиммасига тушган эди. Биргина мустамлакачилик эмас, ўз ичимиздаги мутаассиблик, жаҳолат азобини кўпроқ, улар тортди [Қосимов Б., 2004; 447]. У “Шарқ қизи” шеърини ўз синг-лисига бағишлаганини айтади ва “Синглимга” деб ёзиб ҳам қўяди. Шеърнинг лирик қаҳрамони шоирнинг синглицидир. У ўз синглицини номидан бутун Туркистон аёлларининг дардини куйлайди:

*Мен бир Шарқ қизимен, Шарқнинг ўзидек*

*Бутун таним, жоним-хаёл уяси,*

*Меним қора кўзим кийик кўзидек*

*Белгисиз овчининг ўқин кўргуси* [Чўлпон, 2016; 50].

Ўз фикри ва қарашларини озодлик йўлига қарайвериб, унга етишдан умидини узмаётган, фақат орзулар билан, зулматда ёруғ кунларнинг келишини кутиб яшаётганлигини шеърини мисраларда шундай ифодалайди:

*Айталарким, ёзда ҳар бир жони бор*

*Эркми нафас олар, шодланар, яйрар.*

*Айталарким, Шарқда боғлиқ хотинлар*

*Ул ёруғ дунёга на замон кирар?* [Чўлпон, 2016; 50]

М. Муҳаммаджоновнинг ёзишича, ёш Абдулҳамид “етти яшар синглицини ўз маҳалласининг бир четида очилган янги усулдаги татар қизлар мактабига ўқишга берган эди” [Қуронов Д., 1997; 5]. Аёлларнинг маърифатли бўлиши истагини Чўлпоннинг кўп шеърларида кўриши мумкин.

Мустақиллик ғоялари янги ўзбек шеърятининг вакили Чўлпоннинг шеърларида ҳам ўз ифодасини топган. Октябрь инқилобини кучоқ очиб кутиб олган шоир 1917 йилнинг ўзида “Қизил байроқ”, “Ўзбеклар ҳам Туркистон”, “Туркистон”, “Ўзбеклар” каби миллат ва озодликни мадҳ этувчи шеърлар ёзади. Айниқса, унинг “Озод турк байрами” номли шеъри кўтаринки кайфиятда, орзулар илинжида ёзилгани аниқдир:

*Кўз очинг, боқинг ҳар ён!*

*Қардошлар, қандай замон!*

*Шодликка тўлди жаҳон!*

*Фидо бу кунларга жон!*

Туркистон аёлларининг орзу қилган истиқлолга эриша олмаганликлари ҳақидаги ҳасратини Чўлпон ўзбек қизининг тилидан “Мен ва бошқалар” шеърини шундай ифодалайди:

*Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,  
 Ўйнаган бошқалар, биғлаган менман.  
 Эрк эртакларини эшитган бошқа,  
 Куллик қўшигини тинглаган менман...*

*Айниқса, шеърнинг охирги мисралар яна ҳам таъсирли:  
 Эркин бошқалардир, қамалган менман,  
 Ҳайвон қаторида саналган менман.*

Байрон ва Чўлпон шеърляти руҳини тадқиқ этиб, уларда муаллиф шахсий кечинмалари атрофлича экс этганини пайқаш мумкин. Шоирлар ҳамма замонларда миллат эркининг куйчилари саналган. Эркинлик инсон онгининг ҳукмрон тоифаларидан бири, инсонни худо томонидан яратилган барча тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган руҳий инъомдир. Чўлпоншунос Н.Йўлдошевнинг ёзишича: “Немис файласуфлари Фихте ва Шеллинг эркинликни танлаб олинган зарурият, жамият эришган ютуқ деб тушунадилар. Қафасдаги қушнинг озодликдан ўзга орзуси бўлмаганидек, “қуллик қўшигини тинглаётган” тутқуннинг-да ҳаёлида эрк яшайди. Демак, файласуфлар айтганидек, эркинликни жамиятда яқка шахслар белгиламаса-да, фаол рол ўйнаши мумкин. Ахир жамият шахсдан бошланади-ку!” [Йўлдошев Н., 2016; 9]. Инсон эркининг миллий ҳаёт шакллари билан қандай боғлиқлик тарафлари мавжуд? Бу саволга жавоб топиш учун биз икки номга мурожаат қиламиз: бири – романтизм даври Фарбий Европа маданиятини элчиси, замондошлари таърифича машҳурлиги Наполеон шухрати билан қиёсланган, инглиз романтизми асосчиларидан Жорж Гордон Байрон бўлса, иккинчиси – ўзбек адабиётининг эркин вакили, жадидчилик даврининг забардаст шоири Абдулҳамид Чўлпондир.

Ҳар бир халқнинг ўзлигини, миллийлигини англашда ўтмиши муҳим аҳамиятга эга. Тарихсиз буюк келажак қуриб бўлмаслиги ҳаммамизга аён. Мамлакат адабиётида яратилган тарихий романларнинг негизида ҳам халқ тақдири ва миллат ўтмиши ётади. Буюк инглиз ёзувчиси тарихий роман жанрининг асосчиси Валтер Скотт асарларида ҳам ўз юртининг аччиқ ўтмиши акс этганини кузатиш мумкин. Замондош ёзувчилар асарларидан фарқли равишда унинг тарихий асарларида тарихий давр воқеалари атрофлича ўрганилиб, ўз замонасининг муаммоларига боғланган ҳолда баён этилган, бундай воқеалар ўтмишда қай тарзда ўз ечимини топгани тасвирлаган. Валтер Скоттнинг ижоди тарихийлиги ва асарларининг бадиий ўзига хослиги, кўпинча, танқидчилар ва адабиётшунос олимларнинг эътиборини тортган. Жаҳон адабиётида Скоттнинг романлари икки асосий гуруҳга бўлиб ўрганилади: биринчи гуруҳ романлари Шотландиянинг яқин ўтмишига, фуқаролар уруши даврига, яъни XVI аср пуритан инқилобидан то XVIII аср ўрталаридаги тоғ кланларининг мағлубиятигача бўлган воқеаларга бағишланган. Ёзувчи романларининг иккинчи гуруҳи Англия мамлакат ва унинг ўтмишига, асосан, Ўрта асрлар ва XVI аср воқеаларига бағишланган. Валтер Скотт фақат тарихий шахсларнинг ҳаётини кўрсатиш учун эмас, балки тўхтатиб бўлмас тарихий воқеалардаги ҳақиқат ва уйдирмаларни қайта кўриб чиқиб, тарихий романнинг универсал тузилишини яратди. Бу ижодкорнинг эътиборга лойиқ иши эди. Валтер Скотт тарихий жараёнларни эмас, китобхон учун қизиқ ва долзарб бўлган давр



ва ундаги воқеаларни тасвирлашни мақсад қилиб олади. Ёзувчининг муҳим бадиий кашфиёти – қаҳрамон тақдирини тасвирланаётган давр хусусиятлари билан уйғун ҳолда тасвирлагани билан белгиланади. “Шунинг учун тарихий романда буюк тарихий воқеаларни қайта ҳикоя қилиш эмас, балки ушбу воқеаларда қатнашган одамларнинг бадиий кашф этилиши аҳамиятга эга. Муҳими шундаки, биз одамларни тарихий воқеликда қандай фикр юритганини, ҳис қилганини сезишимиз, ижтимоий ва инсоний мотивларни қайта бошдан кечиришимиз керак” [Lukács G.,1962; 42]. Лукачнинг фикрича, одамларнинг “кичик ... муносабатлари” “жаҳон тарихининг буюк монументал драмалари”га маъно беради.

Шекспирнинг тарихий хроникаларида “қироллар тарихи” тасвири ўзида миллий тарихни акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Скотт ҳам Шекспирнинг изидан борди. Лекин у асарларида тарихий шахсни орқа планга қўйди ва тақдирнинг ўзгариши, замон таъсирида рўй берган воқеалар қаторида хаёлий персонажлар яратди. Шундай қилиб, Валтер Скотт тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи одамлар эканлиги ва одамлар ҳаёти ёзувчи бадиий тадқиқотининг асосий объекти эканлигини кўрсатди. Шунингдек, Скотт тарихий ҳақиқатни тасвирлашда мутлақо аниқ фактларга асосланади ва бу билан у “тарихий колорит” ҳодисасини ривожлантирди, яъни муайян даврнинг ўзига хослигини маҳорат билан тасвирлаган. Скоттнинг замондошлари “тарих учун тарихни” тасвирлаб, ўзларининг ажойиб билимларини намоён қилдилар ва шу билан китобхонларнинг тарих ҳақидаги билимларини бойитдилар. Аммо Скотт ижодида бу жараён ўзгача тус олди. У тарихий давр воқеаларини атрофлича ўрганиб, уни ҳар доим замонавий муаммо билан боғлайди ва шу каби муаммо ўтмишда қандай қилиб ўз ечимини топганлигини кўрсатади.

Ғарб ва Шарқ сўз санъатида тарихий роман ҳам ўз мавқеига эга. Бу туркум романлар қайси юрт бўлмасин, ўша мамлакат ўтмишидан хабар беради. Аждодлар бошидан кечирган воқеалар силсиласи авлодлар кўз ўнгида гавдаланади. Ўзбек адабиётида ҳам жадидчилик даврининг улуғ намояндаси сифатида танилган ёзувчи, шоир, драматург ва публицист, ўзбек адабиётида роман жанри, тарихий роман асосчиси Абдулла Қодирийнинг жадидчилик ғоялари билан суғорилган асарлари мана неча йиллар давомида халқ томонидан севиб ўқилиб, ўз мухлисларини қалбини маънан бойитиб келмоқда. Адиб ўзининг ҳар бир асарида халқнинг забун ҳолатидан куйиб сўзлайди, миллатни уйғонишга даъват этади, фикрлашга чорлайди.

Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Айримлар бу романни севишганлар тақдири юқори фонда берилган асар деса, айримлар тарихий тафсилотлар реал ҳаётга боғланиб, жонли ифода этилган асар деб баҳолайдилар. Хусусан, “XX аср ўзбек адабиёти масалалари” тўпламида ҳам шундай фикрлар берилган: “Ўткан кунлар”нинг асосий мазмун-мундарижаси, пафоси ҳақида ғоят хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилди, айтилмоқда. Улар орасида роман асосида ишқий-оилавий моjarолар ифодаси – талқини туради, деган қараш кенг тарқалган. Ҳатто романнинг немис тилидаги таржимаси “Тошкентлик ошиқлар” деб аталиши бежиз эмас. Абдулла Қодирийнинг тўнғич ўғли Ҳабибулла Қодирий эса шундай ёзади: Асарга “ўзбеклар турмушидан тарихий рўмон” деб изоҳ берилган. “Севишган

қалблар ҳақида” ёки “Муҳаббат фожиалари” эмас, айти “Ўзбеклар турмушидан”, айнан шом азони чақирилган дамдаги турмушидан [Қодирий Х., 2004; 71]. Асар ҳақидаги юқорида берилган икки фикрлар ҳам ўринли. Академик Наим Каримовнинг ушбу фикрлари асарда ижодкор кўзлаган мақсадни чуқурроқ идрок қилишимизга кўмак беради: “А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” илк романи марказида гарчанд Отабек билан Кумуш муҳаббати тасвири турган бўлса-да, бу икки қаҳрамон ҳаракат этадиган майдон анча кенг. Улар шу кенг майдонда – XIX асрнинг биринчи ярмида Худоёрхон даврида рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган воқеалар чорраҳасида ҳаракат қиладилар. Бошқача айтганда, асар икки қатламдан – ишқий маиший ва ижтимоий қатламлардан иборат бўлиб, шу икки қатламда тасвирланган воқеа ва ҳодисалар мунтазам равишда ўзаро тўқнашиб, алмашилиб туради” [Каримов Н., 2019; 117]. Роман ҳақидаги бу мунозарали фикрлардан энг ўринлиси Наим Каримовнинг фикридир. Чунки олим асарни ишқий-маиший ва ижтимоий қатламлардан иборат бўлган роман деб алоҳида эътироф этмоқда. “Абдулла Қодирий романида ўқувчига кучли таъсир этадиган ва уни чуқур ҳаяжонга соладиган ўринлар талайгина” [Каримов Б., 2014; 23].

Асар аввалида Қодирийнинг ҳаммага ёд бўлиб кетган ушбу сатрлари бежиз келтирилмаган: “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзунини мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги “хонзамонлари” дан белгиладим [Қодирий А., 1973; 3]. Ёзувчининг мавзу ва қаҳрамонини мозийдан олиши ўзи айтганидек, хайрли ва ўринли бўлган. “У ўзининг шу танлови билан янги давр адабиётида нафақат тарихий ўтмишда рўй берган муҳим воқеалар, халқ ва мамлакат тақдирида муҳим рол ўйнаган тарихий шахслар, воқеликда айнан рўй бермаган воқеалар ва яшамаган кишиларни ҳам роман қаҳрамонлари сифатида тасвирлаш мумкинлигини асослаб берди: ўзбек адабиётида тарихий роман жанринини ва тарихий шахс (ёки ўтмишда яшаган киши)лар образини яратиш анъанасини бошлаб берди [Каримов Н., 2019; 117].

Инглиз адабиётида Валтер Скотт, ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий тарихий роман асосчилари сифатида тан олинган. Тарихий воқеаларни умумлаштиришда адабиётнинг эпик жанри – роман жуда қулайлик туғдирган. Валтер Скотт “Уервелли”, “Айвенго” тарихий романларида, Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида тарихий ҳужжатлар билан бирга ўша воқеаларнинг бевосита шохиди бўлган кишилар хотираларига таянганлар. Ҳар икки романда эътиросли қаҳрамонлар ҳаётининг жозибали тасвирланиши учун жонли хотиралар асос қилиб олингани ҳам муайян таъсир ўтказган. Шундай экан, ижодкор шахси ўз кўрган ва эшитган воқеалар замирида тарихни яна жонлантириб ифодалайди. Бу жараён, албатта, ижодкор “мен”ининг қаҳрамонларга ўз таъсирини ўтказиши билан боғлиқдир.

## НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ижодкор шахс кўп қиррали тушунча бўлиб, бу дастлаб ёзувчининг таржимаи ҳоли ва дунёқараши, истеъдоди табиати ва маҳоратида кўринса ҳам, асосан, ўша ижодкор шахс томонидан яратилган асарларнинг сифати орқали юзага чиқади. Сифат кўрсаткичи адабиётда доимо устуворлик касб этган. Бадий асарларнинг сифат и ва ижодкор маҳорати масалалари у яратган адабий асарларда, тўғрироғи, унинг қаҳрамонлари дунёсида намоён бўлади. Шу боис

бирор ижодкорнинг адабий ҳаётдаги ўрни ҳақида сўз юритилганда, у яратган “адабий аҳоли”, яъни қаҳрамонлар галарейси кўпинча меъёр қилиб олинади. Бадииятнинг бу меъёри истеъдод табиати ва ижодкор шахс маҳоратидан келиб чиқсагина, янги, бетакрор адабий асарлар туғилишига сабаб бўлади. Ҳар қандай асар объектив ҳаёт ҳодисаларини тасвирласа ҳам у ижодкор “субъекти”, “мен”и билан боғлиқдир. Мана шу каби тушунчаларнинг бадиий меъёр билан ўзаро мувофиқлиги “ижодий индивидуаллик”ни шакллантиради.

Байрон ижодида ҳам муаллиф “мен”и кўпроқ жаҳонга машҳур “Чайлд Гаролднинг зиёрати” поэмасида ўз ифодаси топган. Байрон 1809 йили икки йиллик саёҳатга чиқади ва буни ўз онасига, дўстларига ёзган хатларида алоҳида таъкидлаб ўтади. Онасига ёзган хатларининг бирида шундай мисралар бор: “Ҳурматли онажон! Англиядан жўнаб кетгандан кейин саёҳатларим ҳақида сизга бафуржа ёзишим учун алоҳида вақт ажрата олмадим. Айни вақтда, Португалия ва Испаниянинг кўп қисмини босиб ўтиб, саёҳатим тўғрисида сизга қисқа ёзишга жазм қилдим” [Байрон Ж., 1963; 23]. Чайлд Гаролднинг саргузашлари ҳам айнан Португалиядан бошланыпти. Шоир ҳақидаги манбаларнинг тўлиқлиги бу фактларни асослайди. Маълум бир вақтда шоир ва унинг қаҳрамони ҳис-туйғулари бирлашади. Аммо воқеа давом этгани сайин ушбу асарнинг лирик қаҳрамони “мен”ни акс эттирувчи Гаролд образидан ажралиб чиқади. Асарда Гаролднинг фикр-мулоҳазалари акс этган очиқ нутқи Байрон лирикасини тўлдирган кайфият билан кўп ҳолларда мос тушарди. Ушбу поэмада озодлик, ватан мадҳи куйланади. Бунга асосий сабаб муаллифнинг ўзи қилган саёҳатлари давомида урушларда иштирок этганидир. Шу сабабдан ҳам Байронни “қалами ва қиличи билан курашга шоир” дея эътироф этганлар.

Чўлпон ҳам ўз миллатини янгича озод ҳаёт кечиришини орзу қилди ва уйғотишга уринди, айни ўша дамда халқи учун реалистик адабиёт муҳим эканлигини англаган ҳолда ижодий изланишга киришди. Чўлпон ҳам 1917 йили Феврал инқилобинини зўр қувонч билан кутиб олади. Чўлпон 20-йилларнинг этагида ўзбек тупроғида кечаётган ҳаётни кўриб, ундаги фожиали воқеалардан юз ўгиролмади [Каримов Н., 1991; 45]. Ватан ва миллат манфаати билан яшаган шоир большевиклар олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фош этишга, халқни зулм ва зўравонликка қарши ҳуррият учун курашга даъват этишга қаратилган шеърлар ёзди (“Бузилган ўлкага”, “Халқ”, “Виждон эрки”, “Кишан” ва бошқалар).

Адабий турнинг барча жанрларида ижод қилган Валтер Скотт бадиий ижодда, асосан, тарихий романлар муаллифи сифатида дунё адабиётида из қолдирди, Абдулла Қодирий ҳам ижодининг дастлабки даврида шеър, драма ва публицистик асарлар яратган бўлишига қарамай, тарихий романлар муаллифи сифатида нақафат ўзбек, балки туркий халқлар бадиий тафаккури тарихида муносиб ўрин эгаллади. Қодирий “Ўткан кунлар” романининг ёзилишига адибнинг отаси айтиб берган тарихий воқеалар сабаб бўлганини ёзувчи шу тарзда баён этган: “Қарийб ярим умрини хон замонларида яшаган, талай ўтмиш воқеаларнинг шохиди бўлган отам ёшлигимда қизиқ-қизиқ хотираларни сўзлаб беради. Бу хотиралар менда тарихга қизиқиш уйғотди. Сўнгра ўша давримиз тарихига оид анча китоб манбалари билан ҳам танишиб чиқдим. Қўлим қаламга хийла келиб қолгач, менда ана ўша ўтмишимиздан ғарб романчилиги асосида

каттароқ бир асар яратиш ҳаваси туғилди. Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эдилар. Аммо бу воқеаларни қандай қилиб бир ипга тизишни, қоғозга туширишни тасаввур қила олмасдим. Узоқ вақт ўйлаб, излаб юрдим” [Қодирий Х., 1983; 63].

Валтер Скотт ва Абдулла Қодирий асарларининг воқеаларида мавзулар муҳим аҳамият касб этган, шу сабабли уни бугуннинг китобхони ҳам тушуниб олади. Икки адибнинг асарларида ҳам мамлакат учун муҳим бўлган тарихий воқеалар тургани учун китобхоннинг туйғулар дунёсини очишга хизмат қилолади. Бу асарларда тарихийлик принципи намоён бўлганлигини кузатиш мумкин.

Валтер Скотт романларида Буюк Британия ва Шотландия ҳаётининг XII аср охиридан то XIX асрнинг бошларигача бўлган даврлар воқеалари ёритилса, Абдулла Қодирий асарларида Туркистон ўлкасининг хонликлар давридаги ҳолати, яъни XIX асрнинг бошигача бўлган даври воқеалари акс этади. Икки адибнинг асарлари заминда ҳам инсонлар тақдирига қизиқиш ётади, шунинг учун улар ўз қаҳрамонларини ўша халқ ва тарихий воқеаларга таянган ҳолда яратади. Бундан кўриниб турибдики, Валтер Скотт ва Абдулла Қодирий миллий ҳаракатларнинг тарихий ролини чуқур англаб етганлар, ижодкорларнинг бундай хусусиятлари тарихий роман жанрининг яратувчиси эканлигини белгилашга асос бўлади. Икки адибнинг бош қаҳрамонлари Уэверли ва Отабек тақдирини мамлакат тарихий воқеалари билан боғлаб ўрганишимиз мумкин.

## ХУЛОСА

Бадиий адабиётнинг тараққиёти, аввало, ундаги жанрлар ривожда кўринади. Чунки бадиий ижоддаги ҳар қандай маъно, туйғу ва образ мазмун ва шаклни ўзида мужассамлаштирган жанр орқали акс эттирилади. Шунинг учун адабиётнинг ўзгариш ёки янгиланишини у ёки бу жанрнинг ҳаётисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Адабий тур ва жанрларнинг тараққиёти эса бадиий ижод тараққиётини белгилар экан, унинг ривожда алоҳида истеъдодлар, ижодкор шахс ва у яратган адабий қаҳрамонлар муҳим рол ўйнайди. Ҳаётни ўзига хос равишда бадиий талқин қилиш ҳар бир ижодкор шахсига хос белгидир. У ўз атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, ҳаётнинг ички муаммоларини, одамлар руҳиятини чуқур идрок ва ифода этиши лозим. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий асарда ижодкор қанчалик жонли ва ишонарли қилиб тасвирласа, асар шунчалик эътиборга лойиқ бўлади. Ижод йўлида тинмай изланишлар, ҳаётни кузатиш буларнинг бари ижодкор шахснинг меҳнати самарасидир. Ижодкор инсоннинг ижодий “мен” ва биографик “мен”ини турли ракурсада ўрганиш адабиётшуносликда бадиий асар қаҳрамони руҳиятини тез англаб етишнинг бўлган ягона йўл дея қайд этиш лозим.

Кейинги даврлар адабиётида “шахсийлик” тушунчаси фалсафа, социология, этика, эстетика, культурология каби кўплаб гуманитар фанларда баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Адабиётшуносликда ижодкор шахси тушунчаси тарихан ўзининг ривожланиш босқичларига эга. Антик давр ва ўрта асрлар, Европа ва Шарқ Уйғонишии даврлари, XVI–XIX асрлар, шунингдек, XX ва XXI асрларда ижодкор шахс ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар турли жиҳатларда акс этган бўлса-да, уларни изчил ушлаб турадиган, бирлаштирадиган жиҳат – истеъдод

табиатининг ўзига хослигидир. Адабиёт ана шу бетакрор истеъдодлар яратган бадий неъмат натижалари ҳисобига бойиб, тараққий этиб боради. Шундай экан, адабий жараёнда истеъдод табиати, ижодкор шахси тушунчаларини ўрганиш, кенг миқёсда таҳлил ва талқин қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалалага ғарбона ва шарқона муносабатлар силсиласини ўрганиш жараёнида Европа романтизмнинг асосчиларидан саналган Ж.Байрон ва ўзбек жадид шоирларининг етакчиси Абдулҳамид Чўлпон ижодини ўзаро муқояса қилиш орқали мақсадга эришиш мумкин. Чунки фаол ижодкор шахси, лирик қаҳрамони табиатидаги курашчан руҳ ҳар икки етук ижодкорга ҳам хос хусусиятлардандир. Алоҳида олиб қаралганда, Байроннинг “Чайлд Гаролднинг зиётрати” достони, Чўлпоннинг озодлик руҳи акс этган шеърларидаги лирик қаҳрамон ва лирик “мен” муносабатида ҳақиқатпарастлик бош мезон сифатида акс этади. Ушбу шоирларнинг ўз яқинларига бўлган муносабати акс этган шеърларида ҳам ижодкор шахси руҳияти яққол намоён бўлган.

Байрон ва Чўлпон ижодининг бир-бирига яқинлиги, айниқса, мавзулар доирасининг аниқлиги, образлараро муштараклик уларнинг ифодада романтизмнинг кучли таъсири остида бўлганлигини кўрсатади. Ҳар икки шоирда ҳаёт ҳодисасига назар ташлашдан тортиб, уни бадий талқин этишгача романтизм адабиётига хос бўлган ҳаёлот, воқеаларни қалб призмасидан ўтказиб талқин қилиш ҳолларини кузатиш мумкин.

Тарихийлик тамойили эпик асарлар, айниқса, насрда битилган эпик асарларда устувор жиҳат саналган. Европа тарихий романчилиги Валтер Скотт романлари орқали адабий мактаб даражасига кўтарилган бўлса, ўзбек жадид адабиётида Абдулла Қодирийнинг етук истеъдоди ва маҳорати билан ўзбек романчилиги мактаби шаклланди. Валтер Скотт ва Абдулла Қодирий асарларида ижодкор инсон таржимаи ҳолидаги ҳаётий фактлар ва руҳий ҳолатлар, ижод механизмини ташкил қилувчи компонентлар, ижодий “мен” ва инсоний “мен” ўртасидаги мувозанат илмий-назарий ҳамда бадий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этиб, улар асарларидаги ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон параллелизмни тасаввур қилиш мумкин.

Жаҳон адабиётшунослиги алоҳида миллий адабиётлар ва буюк ижодкор шахслар ҳисобига бойиб борар экан, бу жараёнда адабиётлараро алоқалар, ижодий муштараклик масалалари ўзига хос ўрин тутаяди. Миллий адабий заминда яратилган асарларнинг умуминсоний моҳиятини ўргани учун эса барча адабиётлар учун муштарак бўлган ижодий тамойиллар ва бадийлик қонуниятларидан келиб чиқиб фикр юритиш талаб этилади. Шундай экан, адабиётлараро муштараклик боқичларидаги миллий ва минтақавий адабиётларни ўзаро қиёслаб ўрганиш натижасидагина умумидабий ҳодисаларни теран идрок этиш ва дунё адабиётини бойитган асарларни холис баҳолаш мумкин.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Aleksandrov, N.N., & Bayron, D. (2014). *Yego jizn' i literaturnaya deyatel'nost'*. Moskva: Direkt-Media. s. 25.
2. Bayron, G. (1967). *Poetical works*. London: Oxford university press. 93 p.
3. Bayron. (1963). *Dnevniki. Pis'ma*. (pp. 311-312). Moskva: Izd-vo AN SSSR.
4. Bayron. (1974). *Saylanma*. Toshkent: G'afur G'ulom nashriyoti. 41-b.



5. Birmingham, S. (1997). *The grantees: America's Sephardic elite* (pp.176-182). Syracuse University Press. [http://elib.psu.by:8080/bitstream/123456789/548/1/Klos\\_2012-2-p28.pdf06.09.2020](http://elib.psu.by:8080/bitstream/123456789/548/1/Klos_2012-2-p28.pdf06.09.2020)
6. Boboev, T. (2002). *Adabiyotshunoslik asoslari*. Toshkent. 66-b.
7. Cho'lpon. (2016). *Asarlar* (50-b).. Toshkent: Akademnashr.
8. Inog'omov, R. (1994). *Qodiriy jahon kezadi*. Sharq yulduzi, 3-4,189.
9. Karim, B. *Adabiy tanqid – jiddiy ijod*. <http://eadabiyot.uz/adabiyotshunoslik/tanqidchilik/1278-maqola.html>
10. Karimov, N. (2019). *Uch buyuk siymo* (116-b).. Toshkent: Mumtoz so'z.
11. Qodiriy, H. (2004). *Adabiyot. Badiiyat. Abadiyat*. Toshkent: Yangi asr avlodi, 18.
12. Qodiriy, H. (1983). *Otam haqida* (63-b).. Toshkent: G'ulom nashriyoti.
13. Qosimov, B. va boshq. (2004). Abdulhamid Cho'lpon. *Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti*. Toshkent: Ma'naviyat. 447-b.
14. Quronov, D. (1997). *Cho'lpon hayoti va ijodiy merosi*. Toshkent: O'qituvchi. 5-b.
15. Rasulov, A. (1998). *Ilmi g'aribani qo'msab*. Toshkent: Ma'naviyat. 28-b.
16. Romanchuk, L. (2020) *Novatorstvo v lyubovnoy lirike Bayrona*. <http://19v-euro-lit.niv.ru/19v-euro-lit/articles-eng/romanchuk-novatorstvo-bajrona.htm.21.08.2020>
17. Skott, V. (1960). *Sobranie sochineniy v 20 tomov* (s. 79). M.-L.: Xudojestvennaya literatura, - T.1.
18. To'laganova, S. (2021). *Abdulla Qodiriy: Shaxsiyat va ijod*. Toshkent: Ilm-ziyo-zakat. 14-b.
19. To'ychiev, U. (2011). *O'zbek adabiyotida badiiylik mezonlari va ularning maromlari*. Toshkent: Yangi asr avlodi. 13-b.
20. Ulug'ov, A. (2018). *Adabiyotshunoslik nazariyasi*. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot. 294-b.
21. Umarova, M. (2020). The role of jadid representatives in world literature. *Journal of Critical Reviews*. <http://www.jcreview.com/?mno=95957>
22. Umarova, M. The Concept of "A Literary Hero" in English and Uzbek Historical Novels. *Psychology and Education*. <http://www.psychologyandeducation.net/pae/index.php/pae/article/view/2291>
23. Umurov, H. (2001). *Badiiy ijod asoslari*. Toshkent. 7-b.
24. Umurov, X. (2011). Adabiyot nazariyasi. *Darslik*. Samarqand. 48-b.
25. *XX asr o'zbek adabiyoti masalalari*. (2012). Toshkent: Fan. 33-b.
26. Yo'ldoshev, N. (2016). *Cho'lpon she'riyatida inson va tabiat talqini*. Toshkent: Akademnashr. 9-b.

## REFERENCES

1. Alexandrov, N.N., & Byron, G. (2014). *His life and literary activity*. Moscow: Direct-Media. 25.
2. Bayron, G. (1967). *Poetical works*. London: Oxford university press. 93.
3. Birmingham, S. (1997). *The grantees: America's Sephardic elite* (pp. 176-182). Syracuse University Press. [http://elib.psu.by:8080/bitstream/123456789/548/1/Klos\\_2012-2-p28.pdf06.09.2020](http://elib.psu.by:8080/bitstream/123456789/548/1/Klos_2012-2-p28.pdf06.09.2020)
4. Boboev, T. (2002). *Fundamentals of literary criticism*. Tashkent. 66 p.
5. Byron. (1963). *Diaries. Letters* (pp. 311-312). Moscow: Publishing house of the Academy of Sciences of the USSR.
6. Byron. (1974). *Selection*. Tashkent: G. Gulom Publishing House. 41 p.
7. Cholpon. (2016). *Works*. Tashkent: Akademnashr. 50 p.
8. Inogomov, R. (1994). The Almighty travels the world. *Star of the East*, 3,4, 189.
9. *Issues of Uzbek literature of the XX century*. (2012). Tashkent: Fan. 33 p.
10. Karim, B. Literary criticism is a serious creation. <http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/tanqidchilik/1278-maqola.html>
11. Karimov, H. (2019). *Three great characters*. Tashkent: Classic word. 116 p.
12. Qodiriy, H. (1983). *About my father*. Tashkent: G. Gulom Publishing House. 63 p.



13. Qodiriy, H. (2004). *Literature. Artistry. Eternity*. Tashkent: New generation. 18 p.
14. Qosimov, B. et al. (2004). Abdulhamid Cholpon. *Uzbek literature of the national revival period*. Tashkent: Spirituality. 447 p.
15. Quronov, D. (1997). *Cholpon's life and creative heritage*. Tashkent: Teacher. 5 p.
16. Rasulov, A. (1998). *Science longs for the stranger*. Tashkent: Spirituality. 28 p.
17. Romanchuk, L. (2020) *Innovation in Byron's love lyrics*. <http://19v-euro-lit.niv.ru/19v-euro-lit/articles-eng/romanchuk-novatorstvo-bajrona.htm>.21.08.2020
18. Scott, V. (1960). *Collected Works in 20 volumes*. M.-L. : Fiction, - T.1.79.
19. Tulaganova, S. (2021). *Abdulla Qodiri Personality and creativity*. Tashkent: Ilm-ziyozakovat. 14 p.
20. Tuychiev, U. (2011). *Criteria of art in Uzbek literature and their rhythms*. Tashkent: New generation.13 p.
21. Ulugov, A. (2018). *Literary theory*. Tashkent: G. Gulam Publishing House. 294 p.
22. Umarova, M. (2020). The role of jadid representatives in world literature. *Journal of Critical Reviews*. <http://www.jcreview.com/?mno=95957>
23. Umarova, M. The Concept of “A Literary Hero” in English and Uzbek Historical Novels. *Psychology and Education*. <http://www.psychologyandeducation.net/pae/index.php/pae/article/view/2291>
24. Umurov, H. (2011). *Literary theory. Textbook*. Samarkand. 48 p.
25. Umurov, H. (2001). *Fundamentals of art*. Tashkent. 7 p.
26. Yuldashev, N. (2016). *Interpretation of man and nature in Cholpon's poetry*. Tashkent: Akadempublish. 9 p.